

## ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА СПЕЙФЕРОН

**Препаратнинг савдо номи:** Спейферон

**Таъсир этувчи модда (ХПН):** меглюмин акридонсирка

**Дори шакли:** вена ичига ва мушак ичига юбориш учун эритма

**Таркиби:**

1 ампула (2 мл) куйидагиларни сақлайди:

*фаол модда:* меглюмин акридонсирка кислотага қайта ҳисобланганда 0,25 г;

*ёрдамчи модда:* инъекциялар учун сув.

**Таърифи:** сариқ рангдаги тиниқ суюқлик.

**Фармакотерапевтик гуруҳи:** Иммуностимуляторлар; бошқа иммуностимуляторлар.

**АТХ коди:** L03AX

### Фармакологик хусусиятлари

#### Фармакодинамикаси

**Спейферон** интерфероннинг паст молекуляр индуктори ҳисобланади, бу унинг биологик (вирусларга қарши, иммуномодуляцияловчи, яллиғланишга қарши ва бошқа) фаоллигини кенг доирасини белгилаб беради.

Препарат юборилганидан кейин интерфероннинг асосий хужайралари - процудентлари бўлиб макрофаглар, Т- ва В-лимфоцитлар ҳисобланади. Инфекциянинг турига боғлиқ ҳолда иммунитетнинг у ёки бошқа занжирларини фаолликлари устун ўринга эга. Препарат лимфод элементларни (талок, жигар, ўпкалар) сақловчи аъзолар ва тўқималарда интерфероннинг юқори титрларини индукция қилади, гранулоцитларни ҳосил қилинишини рағбатлантириб, суяк кўмагини ўзак хужайраларини фаоллаштиради. **Спейферон** Т-лимфоцитлар ва табиий қиллер хужайраларни фаоллаштиради, Т-хелперлар ва Т-супрессорлар орасидаги мувозанатни меъёрлаштиради.  $\alpha$ -интерферонларнинг фаоллигини кучайтиради.

Препарат кана энцефалити, грипп, гепатит, герпес вируслари, цитомегаловирус, одам иммунтанқислиги вируси (**ОИВ**), папиллома вируси ва бошқа вирусларга нисбатан самарали. Имундаволаш компоненти сифатида ўткир ва сурункали бактериал инфекцияларни (нейроинфекциялар, хламидиозлар, бронхитлар, пневмониялар, жарроҳлик амалиётидан кейинги асоратлар, уrogenитал инфекция ва бошқалар) мажмуавий даволашда препаратнинг юқори самарадорлиги аниқланган.

**Спейферон** аутоиммун реакцияларни сусайтириб ва яллиғланишга ва оғриққа қарши таъсир кўрсатиб, бириктирувчи тўқималарнинг ревматик ва тизимли касалликларида юқори самарадорликни намоён қилади.

#### Фармакокинетикаси

Максимал рухсат этилган дозада юборишда қон плазмасида препаратнинг максимал концентрациясига ( $C_{max}$ ) 1-2 соат ўтиб эришилади. 24 соатдан кейин фаол модда из микдорларида аниқланади.

Препарат гематоэнцефалик тўсиқ орқали кириб боради. Ярим чиқарилиш даври ( $T_{1/2}$ ) 4-5 соатни ташкил қилади. Бевосита буйрақлар орқали чиқарилади. Узоқ вақт қўллашда организмда тўпланмайди.

### Қўлланилиши

Катталарда мажмуавий даволаш таркибида:

- **ОИВ**-инфекциялар (2А–2В босқичлар);
- нейроинфекциялар (сероз менингитлар ва энцефалитлар, Лайм касаллиги);
- А, В, С, D вирусли гепатитлар;

- герпес ва цитомегаловирусли инфекциялар;
- ўткир ва сурункали бактериал ва замбуруғли инфекциялар билан боғланган иккиламчи иммунтанқисликлар;
- хламидия инфекциялари;
- бириктирувчи тўқималарнинг ревматик ва тизимли касалликлари;
- бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликлари: деформацияланувчи остеоартроз ва бошқаларда қўлланилади.

*4 ёшдан катта болаларда мажмуавий даволашда:*

- А, В, С, D, GP вирусли гепатитлар;
- герпетик инфекциялар;
- **ОИВ**-инфекцияда (2А–2В босқичлар) қўлланилади.

## **Қўллаш усули ва дозалар**

### **Катталар**

Препаратни мушак ичига ёки вена ичига суткада бир марта базавий схема бўйича: кунора. Даволаш курсининг давомийлиги касалликка боғлиқ бўлади.

– *А, В, С, D ўткир вирусли гепатитларда* ва аралаш шаклларида - препарат базавий схема бўйича 0,5 г дан 10 та инъекциялар юборилади. Умумий доза 5,0 г ни ташкил қилади. Узоқ муддатли инфекция билан курс 10-14 кундан кейин такрорланади.

– *В, С, D сурункали вирусли гепатитларда* ва аралаш шаклларда - препарат базавий схема бўйича 0,5 г дан 10 та инъекциялар, кейинчалик мажмуавий даволаш таркибида тутиб турувчи схема бўйича уч ой давомида ҳафтасига 3 марта юборилади. Интерферонлар ва кимёвий даволаш билан биргаликда тавсия этилади. Курс 10-14 кун ўтиб такрорланади.

– *Герпес ва цитомегаловирусли инфекцияда* - 48 соат инъекциялар орасида интервал билан (кунора) базавий схема бўйича 0,25 г дан 10 та инъекциялар тайинланади. Умумий доза 2,5 г ни ташкил қилади. Даволаш касалликнинг кучайиши бошида энг самарали ҳисобланади..

– *Нейроинфекцияларда* препарат базавий схема бўйича юборилади. Даволаш курси - 48 соат инъекциялар орасида интервал билан 0,25-0,5 г дан 12 та инъекция, этиотроп даволаш билан биргаликда. Умумий доза 3-6 г ни ташкил қилади. Такрорий курслар зарурат пайдо бўлиши бўйича ўтказилади.

– *Хламидийли инфекцияда* – 0,25 г даволаш базавий схема бўйича ўтказилади. Даволаш курси 10 та инъекцияларни ташкил қилади. Умумий доза 2,5 г ни ташкил қилади. Даволашнинг такрорий курси 48 соат инъекциялар орасида интервал билан (кунора) 10-14 кун ўтиб ўтказилади. Препаратнинг антибиотиклар билан бирга қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

– **ОИВ**-инфекцияда (2А–2В босқич) - 0,5 г бир марталик дозада юборилади. Даволаш курси - базавий схема бўйича 10 та мушак ичига инъекциялар. Кейинчалик тутиб турувчи курс ўтказилади: 2,5 ой мобайнида беш кунда бир марта. Такрорий курс бир ой ўтгандан кейин ўтказилади.

– *Иммунтанқис ҳолатларда* даволаш курси – 0.25 г бир марталик дозада 48 соат инъекциялар орасида интервал билан (кунора) базавий схема бўйича 10 та мушак ичига инъекциялар. Умумий доза 2,5 г.ни ташкил қилади. Такрорий курс 6-12 ой ўтиб ўтказилади.

– *Бириктирувчи тўқималарнинг ревматик ва тизимли касалликларида* – базавий схема бўйича 5 та инъекциядан 4 курс, 10-14 кун танаффус билан 0,25 г дан. Такрорий курс шифокорнинг маслаҳати бўйича ўтказилади.

– *Бўғимларнинг дегенератив-дистрофик касалликларида* – базавий схема бўйича 5 та инъекциядан 2 курс, базавий схема бўйича 10-14 кун танаффус билан 0,25 г дан. Такрорий курс шифокорнинг маслаҳати бўйича ўтказилади.

### **Болалар**

Препаратни мушак ичига ёки вена ичига суткада бир марта базавий схема бўйича: кунора. Суткалик даволаш дозаси тана вазнига 6-10 мг/кг ни ташкил қилади.

– *А, В, С, D, GP ўткир вирусли гепатитларда ва аралаш шаклларда* - препарат 1, 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18, 20, 22, 24, 26, 28 суткаларда юборилади. Узоқ муддатли инфекция билан курсни 10-14 кундан кейин такрорланг.

– *B, C, D, GP сурункали вирусли гепатитларда* - препарат даволаш курсининг 1, 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18 суткада ва кейинчалик тутиб турувчи схемаси бўйича патологик жараённинг репликатив ва цитолитик фаолликни сақлаб қолган ҳолда уч ой давомида уч кунда бир марта юборилади. Интерферонлар ва кимевий даволаш билан биргаликда тавсия этилади.

– *C сурункали гепатитда, гепатитнинг аралаш шаклларида ва ОИВ-инфекцияларда* - тутиб турувчи курси олти ойгача бўлган муддатга узайтирилиши мумкин

– *ОИВ-инфекцияда* (2А – 2В босқичлар) - препарат даволаш курсининг 1, 2, 4, 6, 8, 10, 12, 14, 16, 18 суткаси ва кейинчалик тутиб турувчи схемаси бўйича уч ой давомида уч кунда бир марта юборилади. Такрорий курс 10 кун ўтиб ўтказилади.

– *Герпетик инфекцияда* - препарат 1, 2, 4, 6, 8, 11, 14, 17, 20, 23 суткада юборилади. Вируснинг репликатив фаоллигини сақлаб қолган ҳолда даволаш курси тўрт ҳафта давомида уч кунда бир марта препаратни юбориш билан тутиб турувчи схемаси бўйича давом эттирилади.

### **Ножўя таъсирлар**

Препарат компонентларига аллергия реакцияларнинг ривожланиш эҳтимоли бор.

### **Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар**

- препарат компонентларига юқори сезувчанлик;
- декомпенсацияланган жигар циррози;
- **ҳомиладорлик;**
- **эмизиш даври;**
- 4 ёшгача болалар ёшида қўллаш мумкин эмас.

### **Дориларнинг ўзаро таъсири**

Препарат кўрсатиб ўтилган касалликларни даволашда анъанавий қўлланилувчи барча дори воситалари (интерферонлар, киметерапия дори воситалари ва бошқалар) билан мос келади.

### **Махсус кўрсатмалар**

Қалқонсимон без касалликларида препаратнинг қўлланилиши эндокринолог назорати остида ўтказилиши лозим.

Сийдикнинг бинафша-кўк рангга (люминесценция) бўялиши эҳтимоли бор.

#### ***Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши***

Препаратнинг ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши тавсия этилмайди.

#### ***Автомобил ва мураккаб механизмларни бошқариш қобилиятига таъсири***

Препарат транспорт воситаларини бошқариш қобилиятига таъсир қилмайди.

### **Дозани ошириб юбориш**

Препаратнинг дозасини ошириб юборилиши ҳақидаги маълумотлар мавжуд эмас.

### **Чиқарилиш шакли**

2 мл.дан нейтрал шишали ампулаларда.

5 ампуладан контур уяли **қадокда.**

1 контур уяли қадок тиббиётда қўлланилишига доир йўриқнома билан биргаликда **картон қутига** жойлаштирилади.

### **Сақлаш шароитлари**

25°Сдан юқори бўлмаган ҳароратда, курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

### **Яроқлилик муддати**

5 йил.

Яроқлилик муддати ўтгандан кейин қўлланилмасин.

**Дорихоналардан бериш тартиби**

Рецепт бўйича.

**Савдо белгиси ва рўйхатдан ўтказилганлик гувоҳномаси эгаси**

SPEY MEDICAL LTD., Лондон, Буюк Британия

**Ишлаб чиқарувчи**

«Биополнос» МЧЖ, Грузия,

6007, Батуми, Нонешвили кўч. №65/67

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ва рақамли идентификацияга масъул ташкилотнинг номи ва манзили**

“Ameliya Pharm Service” МЧЖ,

Ўзбекистон Республикаси, 100052, Тошкент ш., Оққўрғон кўч., 1.

Тел.: +998 78 150 50 81, +99878 150 50 82.

E-mail: ameliyapharm@gmail.com